

Бақара сураси, 276-оят

11:48 / 13.06.2018 5481

Аллоҳ рибони нобуд қилур ва садақаларни ўстирур. Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни суймас. *Бақара 276.*

Бандалар пул-моллари зиёда бўлиши учун рибохўрлик қиладилар ва ўзларига келган фойдани санаб юрадилар. Аслини олганда, бунинг тескариси бўлади. Чунки

«Аллоҳ рибони нобуд қилур...»

Судхўрнинг пули ҳисоб жиҳатидан кўп бўлса ҳам, Аллоҳ унинг баракасини кўтариб, егани ўзига юқмайдиган қилиб қўяди. Судхўрни турли касалликларга дучор қилади, тинчлигини, хотиржамлигини олади. Яна биз билмайдиган кўп бало-офатларга дучор қилади.

Шунингдек, сиртдан қараганда, садақа қилган кишиларнинг моллари камайганга ўхшайди. Аслида эса иш бунинг тескариси бўлади: Аллоҳ

«...садақаларни ўстирур».

Агар ҳисобда садақа қилувчининг молининг ҳажми оз бўлса ҳам, Аллоҳ унга барака ато қилади, бало-офатлардан сақлайди, ўзини тинч, хотирини жам қилади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Набий алайҳиссалом:

«Рибо гарчи кўпайса ҳам, оқибати, албатта озайишга қайтади», – деганлар.

Имом Муслим ва имом Термизийлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Ким ҳалол касбидан бир дона хурмо миқдорича садақа қилса, зотан, Аллоҳ ҳалолдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Аллоҳ уни ўнг қўли билан қабул қилади ва сизлар тойчоқни ўстирганингиздек, ўстириб, Уҳуд тоғича қилади», – деганлар.

«Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни суймас».

Шундан кўришиб турибдики, рибохўрлар кофир ва гуноҳкор ҳисобланар эканлар.